# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЗУН ТУМАНИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ

Навбатдаги сессия олдидан халқ депутатлари Узун тумани Кенгашининг доимий комиссияларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибидаги масалалар Узун туманида 2024-йил ИИ чорак якунида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлари, Узун тумани 2024-йил ИИ чорак ижроси ва буджет даромадлар базасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар натижадорлиги ҳамда 2024-йилнинг ИИ-чораги давомида Узун тумани маҳаллий буджети параметрларига ўзгартириш киритиш юзасидан туман Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиқ ўринбосари-шўба бошлиғи И.Худаяровнинг ҳисоботи ҳамда Жамоат хавфсизлигини таъминлаш натижалари, хусусан, туманда содир этилган оғир ва ўта оғир турдаги жиноий ҳолатлар юзасидан туман Ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари маёр У.Юлдашовнинг 6 ой давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботлари туман Кенгаши доимий комиссия аъзоларлари томонидан муҳокама қилинди.



